*Ўткир ҲОШИМОВ*
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ҳажвий ҳикоя

# «ТИЖОРАТ» — ҲОЖИ

(Бошқа Ҳожиларга дахли йўқ)



Дўстим ўғлини уйлантираётган эди. Энди... тўй бўлганидан кейин... ўзингиз биласиз... Ҳалиги қурғурдан жиндай — жиндай қилиб ўтирсак, даврамизга оқ яктак, оқ дўппи кийган кетмонсоқол йигит келиб қўшилди. Келин-куёвга бахтсаодат тилаб, фотиҳа тортди.

— Яратганга шукроналар бўлсин! — деди қироат билан. — Муқаддас сафар шарафи каминага ҳам насиб айлади!

«Қуллуқ бўлсин», дедик. Дастурхонда анави «шайтон суви» турганидан ҳижолат чекдик.

Ҳожи ака зийрак экан. Орага ноқулайлик тушганини дарров пайқади.

— Сизлар баҳузур, тақсир, — деди косагулга. — Тўйда хурсандчилик қилишнинг айби йўқ.

Косагул минг бора узр сўраб, пиёлаларга жиндай-жиндай қуйди. Зимдан разм солсам, Ҳожи аканинг кўзлари сувга тушган мунчоқдек йилтираб турибди. Косагул ҳам шумгина йигит экан, пайқаб қолди.

— Сўраганнинг айби йўқ, Ҳожи ака. Мабодо ўзлариям...

Ҳожи ака оғир муаммо қаршисида қолгандек, бир зум ўйга толди.

— Начора, тақсир, — деди хўрсиниб. — Майли, сазангиз ўлмасин...

— Қайси биридан?

— Каминага «қизили»ям бўлаверади, — деди Ҳожи ака камтарлик билан.

Косагул пиёлага бир қултум коньяк қуйиб узатган эди, Ҳожи ака янаям синиқроқ оҳангда қўшиб қўйди:

— Жонлироқ бўлаверсин, тақсир.

Пиёлани олиб, қисқагина нутқ ирод этди:

— Ёшлар қўша қарисин! Ували-жували бўлсин! Қани, олдик!

Баайни совуқ чой ичаётгандек, қоп-қора соқолининг биттаям туки қилт этмади. Бодринг билан газак қилиб, «яратган неъматингга шукр», деб қўйди.

— Охиригача олмабсизку, Ҳожи ака? — деди косагул пиёла тагида қолган жиндай коньякка қараб.

— Ҳар нарсанинг қонун-қоидаси бор, укам! — деди Ҳожи ака виқор билан. — Ичкилик хамр, яъниким макруҳ нарса. Аммо унинг ичида сув ҳам бор. Сув-энг покиза неъмат. Шундайми? Камина сувни ичдим. Макрухи тагида қолди. Бир вақтлар биз ҳам бундан бисёр нўш айлаганмиз. Бир улфатимиз буларди. Ғалати гапларни топиб юрарди. Бир гапи ҳеч эсимдан чиқмайди. «Биринчи қадаҳ билан иккинчисининг орасига қил ҳам сиғмаслиги керак», дерди.

Косагул Ҳожи аканинг ишорасини дарров тушунди. Пайсалга солмай пиёлани тўлдирди.

— И-и-и-и, ундай қилмасинлар-да, укам! — деди Ҳожи ака ранжиб. — Камина бир вақтлар ўтган гапларни айтаётибман. — Шундай дедию, «макрух» қисмини тагида қолдириб, пиёлани косагулга узатди.

Кимдир сафар таассуротларини сўраган эди, Ҳожи ака очилиб кетди.

— Э, нимасини сўрайсиз, укажон! Уёқлар Хизир назар солган юрт! Ҳар қадамда магазин! Ҳар қадамда дўкон. Одамнинг жонидан бошқа жамийки нимарса муҳайё! Апелсинларни текинга тарқатади-ей! Хохланг бир яшик олинг. Хохланг бир тонна олинг! Айниқса «техника» арзон. «Сони» дейсизми, «Плипс» дейсизми, «Айва» дейсизми... Иккита «видик» олсангиз, биттаси текин.

— Нега? — дедим талмовсираб. — Биттасини пулга, биттасини текинга берадими?

Ҳожи ака бош чайқаб, кулди:

— Нега текинга буларкан? Биздагидан икки ҳисса арзон бўлганидан кейин биттаси ёнга қоладими ахир? Тижоратнинг айби йўқ. Мана, давлатимизнинг ўзи йўл очиб қўйди! Тўртта «видик» обкелгандим, иккитаси ёнга қолди. Ўғилчаям қизиқади-да, «техника»га! — У косагулга қараб, маъноли томоқ қириб қўйди.

Косагул пиёлага яна қуйди. Ҳожи акага узатаркан, шумлик билан сўради:

— Уёқда манави масалага қандай қарайдилар?

— Ҳай-ҳай-ҳай, гунохга ботманг, укам! — деди Ҳожи ака оғир-оғир бош чайқаб. — Ичкилик ичган одам ўлимга маҳкум қилинади!

Макрух қисмини қолдириб, пиёлани яна узатган эди, косагул кулди:

— Бир ўлимдан қопсизда, тақсир!

Ҳожи ака «шу бетамиз билан олишиб ўтирамanми», дегандек чуқур сўлиш олди.

— Энди бизга рухсат, — деди тавозе билан қўлини кўксига қўйиб. — Каминанинг юмушлари бисёр...

Кўп ўтмай, мен ҳам даврадагилардан рухсат сўраб, турдим. Тўйхонадан чиқаётсам, этакроқдаги даврадан таниш овоз келди. Фақат бу сафар Ҳожи ака қаттиқ-қаттиқ гапирар эди.

— Менга қара, вей, братан! Сен нимани билардинг! Ипподромда жевачка сотиб ўтирибсан-да! Сигаретдан ол! «Мальборо»ми? Ха, дуруст. «Пал-мали» томоқни раздражат қилади... Уёқлар-чи, вей, Хизир назар солган жой-да! «Техника» — капейка! Олтита «видик» обкелувдим, учтаси ёнга қолди! Тижоратнинг айби йўқ-ку, тўғрими?

# «СОҚОВ» ЛАЙЧА

(Маҳмуд ака ҳангомаларидан)

Вилоят театрида ишлаб юрган кезларим эди. Театрни биласиз. Гоҳ спектакл кеч тугайди. Гох узоқ хўжаликка бориб, томоша кўрсатишга тўғри келади. Кўпинча уйга тун ярмида қайтамиз.

Аёл киши минг тушунгани билан барибир ҳар хил хаёлга боради-да. Кеч келсам, тергайдиган одат чиқарди.

Ўйлаб-ўйлаб йўлини топдим. Дарвозанинг битта калитини киссага солиб юрадиган бўлдим. Кеч келсам, ими-жимида ҳовлига кирaману, сўрида ухлайман. Эртасига хотин қаерда эдингиз, деса, кун ботмасдан келганман, сенинг ғиш-ғишангдан безор бўлиб овқат ҳам егим келмади, деб, баланд келадиган бўлдим.

Шу орада десангиз, ён қўшним ит боқди... Бойваччa одам. Унча-мунча илмиям бор. Фақат, актёр деганда масхарабозни, ёзувчи деганда иғвогарни тушунади. Хуллас, қўшним ит боқди. Лақаби — «Арслон»! «Арслонбой» қанақа, десам экан? Ит десам, ростмона итнинг ҳаққи кетади. Кучукбачча десам. Чойнакдан каттароқ футбол коптогидан кичикроқ лайча. Аммо овоздан берган. Бир акилласа, бутун маҳаллани уйғотади. Тенор овоз «вак-вак-вак!, «вак-вак-вак», деганда, мана-ман деган «апчаркалару», бўрибосарлар жимиб қолади. Тағин шунақанги зийракки, кўчадан пашша учиб ўтса, оламни бошига илади. «Вак-вак-вак», «вак-вак-вак!» Кечаси билан уйқу йўқ. Қўшнига «итингизнинг жағи мунча очиқ, туни билан тинчлик бермайди», десам, аския қилди:

— Кечаси дуэт айтгиси келгандир-да!

Буниси-ку майли. Хохлайманми-йўқми, қўшнимнинг дарвозаси олдидан ўтишим керак. Уч юз қадам наридаги катта кўчадан бурилишим билан лайча «янгажон, эрингиз келяпти, бо хабар бўлинг», дегандек акиллашга тушади. Дарвозага калит солсам, нариёқда хотин пойлаб турган бўлади.

Охири чидолмадим. Бир куни ишга кетаётиб, қўлимга тухумдеккина кесак олдим. (Каттароғи билан уришга ачиндим. Ўлиб-нетиб қолмасин жонивор). Қўшнининг дарвозасини қия очишим билан лайча акиллаб югурди. Кесак отдим.

«Арслон» деганча бор экан, ярамас! Ёнига бориб тушган кесакни ғажиб ташлади-да, мен томонга отилди. Шошилинчда дарвозани қия очиқ қолдирган эканманми, катта кўчагача «кузатиб қўйди».

Қўшни кун аро ҳазил қилади:

— Кеча оқшом районга борганмидингиз? Соат ўн иккидан саккиз минут ўтганда келдингиз? Аввалги кеча ўн бирдан қирқ минут ўтганда «Арслон» сизга салом бердими?

Э, саломинг билан қўшмозор бўл, дегим келади!

Буёқда хотиннинг ғалваси...

Ҳордик кунимиди, эсимда йўқ, хотин тандир қизитиб, нон ёпди. Қарасам, тандир тагида ярим пақир картишка турибди. Хотин нон чақишлашга киришган захоти ўртачароқ картишкани тандирдаги чўққа қўмиб қўйдим. Нонни узиб уйга кириб кетиши билан картишкани косов учида чўғдан ажратиб олдим. Қўл куймаслиги учун рўмолчага солиб, қўшникикига ғизилладим. Хали ўз ховлимиздан чиқмасимданоқ лайча акиллаб дунёни бузди.

Қўшнининг дарвозасини қия очдим. Рўмолчани ечиб, картишкани югуриб келаётган ит томонга думалатиб юбордим.

«Арслон» қайноқ картишкани ҳидлаб ҳам ўтирмай ғарчча тишлади! На чайнаб ютади. На чиқариб ташлайди. Танглайига ёпишиб қолган! Икки марта «вийқ-вийқ» деди-да, мингга қуйиб, ховли этагидаги макказорга уриб кетди!

Шу-шу «соқов» бўлиб қолди, жонивор. Кўчадан пашша тугул экскаватор ўтса ҳам ғиринг демайди!

Ора-чора қўшнимдан сўрайман:

— «Арслонбой» жимиб кетдими?

— Инига кириб репетиция қиляпти, — дейди қўшни бўш келмай. — Катта ашула айтмоқчи!

— Ниятига етсин, — дейман мен ҳам сирбой бермай. — Умри узоқ бўлсин. Кўп ақлли ит-да!

«Арслон» чиндан ҳам узоқ умр кўрди. Ўн беш йилдан ортиқ. Аммо бирон марта овози чиқмади. Фақат мени кўрса, «вийк» дейди-да, ўзини жўхоризорга уради.

*Хотира*

# ЛУТФИХОН АЯНИ ЭСЛАБ



Ўзбек театр ва кино санъатининг улуғ намояндаси, ҳассос санъаткор Лутфихоним Саримсоқова ўзининг кўп йиллик сермазмун ва халқчил ижодий фаолияти билан миллий санъатимиз тарихидаги зарварақ саҳифаларни бойитди, халқимиз қалбидан мангу жой олди.

Лутфихоним Саримсоқова 20-йилларда бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида фаол иштирок этиб, муайян маҳорат ва малакага эга бўлди. 1926 йилдан эътиборан эса Қўқон театрида, кейинчалик Андижон ва Фарғона театрларида фаолият кўрсатди. 1934 йили Тошкентдаги Ўзбек Давлат мусиқали театри жамоасига келиб қўшилди. Лутфихоним Саримсоқованинг Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театридаги фаолияти театр ташкил этилган давр — 1939 йилдан бошланади.

Халқимиз Лутфихоним Саримсоқовани ўзбек кино санъатига ҳам улкан ҳисса қўшган санъаткор сифатида севади, қадрлайди. Унинг «Асал»—, «Сен етим эмассан», «Маҳаллада дув-дув гап», «Ҳамза», «Фарзандлар», «Ўтган кунлар» каби фильмларда яратган тўлақонли ва таъсирчан образлари ҳали-ҳануз томошабинлар кўз олдида. Кино санъати шинавандаларида Ая яратган образлар ҳаяжон ва ҳайрат ҳиссини қўзғайди.

Мухлислар қалбини чуқур забт этиб, халқимизнинг энг суюкли санъаткорларидан бирига айланган бу мунис ва муътабар Инсон ҳамма вақт жамоат ишларида фаол иштирок этиб келди, халқ орасида меҳр-оқибатни, тинчлик ва фаровонликни, санъатни тарғиб-ташвиқ қилувчиларнинг олдинги сафида бўлди.Шул сабаб халқимиз севимли санъаткорини Ая деб атарди. Халқимиз куни кеча ўзининг ардоқли санъаткори Лутфихоним (Ая) Саримсоқованинг 100 йиллигини кенг нишонлади.

Ўзбекнинг ажойиб санъаткори, истарали, ёқимтой Аяси билан боғлиқ нурли хотиралар қалбларда мангу яшайди.

*«Обуна-97»*

## АДОЛАТ КЎЗГУСИ

Узбекистон Республикаси прокуратураси «Қонун ҳимоясида» журналининг янги — Ватанимиз озодлигининг беш йиллик ва Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллик тўйига бағишланган байрам сони нашрдан чиқди. Журналнинг илк саҳифаси Республика Бош прокурорининг 1-ўринбосари, 2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Усмон Худойқуловнинг «Узбекистон прокуратураси мустақиллик йилларида» номли катта мақоласи билан бошланади. Мақола нафақат ҳуқуқ тартибот органлари ходимларини, балки кенг оммани қизиқтирса ажабмас. Бундан ташқари журналда Узбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раисларининг журнал анкета саволларига жавоблари ҳам ўрин олган. Шунингдек, «Ўзбекистон олтини», «Садойи нафиса», «Қишлоқ хўжалигида акционерлик жамиятларини ташкил қилишнинг ҳуқуқий тартиби» номли мақолалар чоп этилган. «Оқмачитнинг олиниши» номли тарихий, ўзбек тилида илк бора таржима қилиниб дунё юзини кураётган мақола кўпчиликни қизиқтириши табиий. Унда рус истилочиларининг қилмишлари ва эрксевар миллатдошларимизнинг қаҳрамонликлар билан танишишингиз мумкин. «Соҳибқироннинг сипоҳни бошқариш санъати» номли Ҳ. Бобоевнинг мақоласи эса Амир Темур бобомизнинг қўшин ва давлат тузишдаги усуллари ҳақида ҳикоя қилади.

Алишер Ибодиновнинг «Латофат» дўконидаги қотиллик» номли детектив қиссасининг давомини интизорлик билан кутаётганлар асар қаҳрамонлари билан яна учрашадилар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айни дамда «Қонун ҳимоясида» журнали учун обуна давом этмоқда. Сиз ҳам ўзингизга яқин масофада жойлашган алоқа бўлимларидан бемалол обуна бўлишингиз мумкин.

**Эслатиб ўтамиз:**
**Якка обуначилар учун нашр кўрсаткичи: 75513.**
**Ташкилотчилар учун нашр кўрсаткичи : 75514.**

Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси қошидаги

«Камолот-Бандлик»

агентлиги Тошкент Молия институти лицейига ўрта мактабнинг аълочи ўнинчи синф ўқувчиларини қабул қилади.

**Ҳужжатларни қабул қилиш муддати: Шу йилнинг 15 ноябригача.**
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй. 27, 39-хоналар.**
**Мурожаат учун телефонлар: 41-28-07, 41-02-83.**

*«Обуна-97»*

*«Обуна-97»*

«ТУРКИСТОН»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. НАШР КЎРСАТКИЧЛАРИ:
ЯККА ШАХСЛАР УЧУН: 64607
ТАШКИЛОТЛАР УЧУН: 64633

«Обуна-97» «Обуна-97» «Обуна-97» «Обуна-97»

*Обуна-97*

Гулнинг ғунчасига кўзингиз тушганми? Қаранг, ямяшил қобиқларини ёриб чиқиш учун куч-ғайрат ошиб-тошиб турибди. «Борлиқни тезроқ кўрай, тушинай» деб хитоб қилаётгандай... Агар ўхшатиш жоиз бўлса: — тўй болажонлар-у жажжи қизалоқлар ғунча мисолидир. Улар журналининг номи ҳам «Ғунча».

Журнал мана ўттиз саккиз йилдирки, Узбекистонимиздаги ҳар бир хонадон, боғча, мактабларга кириб бориш, мухлислар қалбидан жой олиш харакатида. Айниқса, Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг, унинг қиёфаси янада кўркамлашди, мавзу мундарижаси кенгайди. Тўғри, бошқа айрим нашрлар сингари қийинчилик онлари ҳам бўлди, бироқ давлатимизнинг оталарча ғамхўрлиги, ўз тасарруфига олганлиги туфайли журнал муҳарририятини қийнаётган муаммолар ҳал этилди.

Журнал болажонларга аталган бўлсада, унинг саҳифаларидан жой олган расм, шеър, ҳикоя, эртак, мақолалар катталарни ҳам, хусусан бошланғич синф ўқитувчилари, боғча тарбиячиларини бефарқ қолдирмайди.

Муҳарририятнинг энг асосий мақсади бугунги дастлабки одимларини ўтаётган болажонларимиз эртага ҳақиқий ватанпарвар, одобли, ўқимишли, ҳунарманд, ҳар томонлама чиниққан ва ота-боболаримизнинг энг яхши анъаналарини муносиб давом эттирадиган бўлиб етишишларига муносиб ҳисса қўшишдан иборат. Саҳифалардаги «Ўзбекистон —

## ЁДИНГИЗДА-А?

Ватаним маним», «Боболаримизни билиб олайлик» каби турли рукнларга нигоҳи тушган киши бунга амин бўлади.

Бугунги боғча тарбияланувчилар ва бошланғич синф ўқувчиларини «жуда ёшда» десак хато бўлар. Чунки улар ёшига нисбатан анча каттароқ, жуда зийрак, ён-атрофда бўлаётган воқеаларни синчиклаб кузатувчи ҳамда воқеаларга ўз баҳосини бераоладиган, қизиқувчандирлар. Энг асосийси, улар замонадан илгарироқ юришга интилмоқдалар. Зеро асосий ўқувчиларимиз журнал саҳифаларидан жой олган, бугунги бозор иқтисодиёти жараёнлари теварaги борасида ҳикоя қилувчи «Ғунчаойнинг рўзғор дафтари» рукни материаллари ва лотин алифбоси, компьютер ва тестга оид сабоқларга қизиқиш билан қарашмоқда. Шунингдек, республикамизнинг турли бурчакларида яшовчи рассомликка ҳавас қўйган кичкинтойларнинг энг яхши расмлари «ишла қаламим, буя буёғим» рукни саҳифаларидан мунтазам ўрин олмоқда.

Шак-шубҳасиз «Ғунча»нинг қизиқарли чиқиши аввало муаллифларга боғлиқ.

Журналда Қуддус Муҳаммадий, Ҳаким Назир, Пўлат Мўмин сингари болалар адабиётининг оқсоқоллари билан бир қаторда кичкинтойларга бағишлаб ёзувчилар, республикамизнинг турли мактабларининг ижодкор мураббийлари фаол қатнашмоқдалар.

Муҳарририят таҳрир ҳайъати ва жонкуяр муаллифларига таянган ҳолда журналнинг бундан буён янада қизиқарли чиқиши учун изланишларни давом эттирмоқда. Келгусида ҳам Ватан ва ватанпарвар аждодларимиз ҳақида атрофлича ҳикоя қилиб борилади. Шунингдек, илм, фан-техника янгиликларини кўпроқ тарғиб қилиш, аҳлоқ-одобга оид мақолаларга кенг ўрин бериш мўлжалланмоқда.

«Ғунча» журнали ўқувчиларининг азиз акажон, қимматли опажонлари! Маълумки ҳозир республикамизда чиқаётган газета-журналларга обуна қизғин давом этмоқда. Ҳар бирингиз ҳам ўзингизга маъқул нашрлар билан келгуси 1997 йил мобайнида танишиб боришни кўнгилга тугдингиз. Шу палла кичкинтой укахон, сингилжонларингиз ёдингиздан чиқишмадими? Уларнинг ўз «Ғунча» журналларига обуна бўлишларига ёрдам бераолдингизми? Шу ўринда бир мулоҳаза: — нима кўп, яхши кунларда кўтариб бориладиган совға-ю салом кўп. Агар кичкинтой яқинларингизга йиллик обуна қоғозини тақдим этсангиз, уларга жуда бир чиройли туҳфангиздан уларнинг борлиқни чуқурроқ, мукаммалроқ тушинишларига қўшган ҳиссангиз буларди. Бу ёдингиздан чиқмасин-а...

**Абдужалил ЗОКИРОВ.**

*Газета саҳифаланаётганда*

## ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛИ ХОРИЖГА ЙЎЛ ОЛДИ

Автомобилсозлик соҳаси бўйича бой тажриба орттирган россияликларга «УзДЭУавто» қўшма корхонаси томонидан чиқарилаётган «Нексия», «Тико», «Дамас» машиналари ғоят маъқул тушган эди. Шунинг учун улар энг замонавий машиналардан 7 мингтасига буюртма берган эдилар. Яқинда ана шу автомобиллар ортилган махсус поезд ҳамдўстлик мамлакатлари томон йўл олди. Узбекистон автомобилига бўлган қизиқиш кундан-кун кучаймоқда. Улар орасида Белоруссия ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатлари ҳам бор.

## ХУШКАЙФИЯТ УЛАШИБ

Республикада пахта йиғим-терими мавсумида пешқадамликни қўлдан бермай келаётган андижонликлар яқинда «Мўтти» театри гуруҳи санъаткорлари билан учрашдилар. Марҳамат, Андижон, Избоскан туманларида бўлган санъаткорлар орасида Узбекистон халқ артисти Эргаш Каримов, артистлар Шерали Ҳожиев, Абдурашид Жўраев ва бошқалар бор. Улар ташриф буюрган ҳар бир жойда хушкайфият, кўтаринкилик ҳукм сурмоқда.

Андижонликлар «Мўтти» театри гуруҳи, айниқса, Эргаш Каримовдай севимли санъаткорнинг пахтазорда халқ билан ҳамдард, ҳамкор бўлган бу кунларни ёддан чиқармайдилар.

**М.ОТАМИРЗАЕВА.**
**Ўз мухбиримиз.**

*Муассис:*
**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ**
*Ҳомий:*
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

**Бош муҳаррир**
**Абдуқодир НИЁЗОВ**

Навбатчи муҳаррир: Лайло КАРИМОВА,
навбатчи: Аваз БЕРДИҚУЛОВ.

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58, 33-95-97; хатлар бўлими — 36-54-64; тижорат бўлими — 33-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 36-54-64; спорт, харбий ватанпарварлик бўлими — 36-58-93, котибият — 36-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. — 0635.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 8913.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——20.30
1 2 3 4 5 6